

Янги — 2004 йил барчамизга муБОРАК бўлсин!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 31 декабрь, чоршанба

№104 (11.595)

Эркин нархда сотилади

Мамлакат, эл-юрт, миллат, халқлар тақдирида ҳар бир йил ўзига хос маъно, моҳият ва аҳамиятга эга бўлиб қолади. Вақт ўтиши билан унинг аҳамияти яна ҳам бўртиб, янги қирралари билан намойён бўлиб бораверади. Шу жиҳатдан 2003 — Обод маҳалла йилининг ҳаёти-миздаги, бугун айтиши мумкинки, Ўзбекистон тарихидаги ўрни низоҳатда қўйла бўлди. Бу қўйла излар вилоятимиз шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва овулларида ҳам кўзга яққол ташланиб турибди, уларни ҳар биримиз ҳар кун кўриб қувонамиз, бугунги сай-ҳаракатимиз, эртанги режаларимиз шу қўйла изларга мутаносиб бўлишига ҳаракат қиламиз.

ХАЙР, ФАЙЗЛИ 2003!

Яқунланаётган бир йил ичида, айтилик, Дўстобод ва Ғазалкент, Олмалик ва Янгийўлда, Чиноз ва Ангренда — вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ўнлаб янги-янги ўрта ва кичик қорхоналар ишга туширилди, юзлаб фермер хўжаликлари оёққа туриб, эл-юрт маъмуричилигига ҳисса қўша бошлади.

Обод маҳалла йилида шаҳар ва қишлоқларимизнинг қурки-таровати нечоғлик ўзгарганлигини айтмайсизми! Умуман, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн бир йиллигига бағишланган тантананида Ўртабўғиш мамунчиат билан таъкидлаган бунёдкорлик ишларини бир эслайлик. Шу бир йил ичида мамлакатимизда 310 та маҳалла гузари, қарийб минг километрлик сув тармоғи ва 1 минг 322 километрлик газ тармоғи ишга туширилди.

Қанчалик фахрлансак арзийдиган бундай ободончилик ишлари вилоятимизда ҳам амалга оширилди. Обод маҳалла йилида вилоятимизда 25 та маҳалла гузари қўйла. Марказлашган давлат сармоялари ҳисобига 110,6 километр газ, 25,8 километр ичимлик сув тармоқлари барпо этилди. Маҳаллаларда 26 та маъмурий хизмат шохобчалари қўйлаб, уларда 360 дан зиёд киши иш билан таъминланди. Бугун Тошкент-Гулистон, Тошкент-Бекобод, Тошкент-Қўқон йўлларида бир ўтинг, Ёлғиз Ангрен-Қўқон йўли бўйларига 35 минг туп манзарали, 4,2 минг туп мевали дархат қўчатлари экилди. Яқунланаётган йилнинг яна шундай бир шўхуи борки, унинг мамлакатимиздаги барқарор тинчлик-осойишталикдаги, фуқароларро тотувликдаги, авлодларро узвийлик ва бир бутунлиқдаги ўрни бебаҳо.

Сўнги оиларда вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида кечган кизгин ижтимоий-сиёсий жараён — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ўтган хисобот-салоҳ йилгилишлари сўзсиз Обод маҳалла йилининг энг марказий ва катта воқеаси бўлди. Улар халқимизнинг ўзини англаш жараёни амалий тус

олганлигини, одамлар мамлакатимизда амалга оширилаётган тубли ислохотлар ўзларига, ўз ҳаётлари ва келажак турмушларига бевосита дахлдор эканлигини тобора чуқур ҳис этаётганликлари кўрсатди.

Вилоятимиздаги 164 та шаҳарча, қишлоқ ва овул, 1240 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳисобот-салоҳлар ана шундай кизгин, мулоҳаза-мушоҳадаларга бой бир вазиятда ўтди. Аксарият салоҳлар мукобиллик асосида бўлди. Айтилик, фақат 883 фуқаролар йиғинида оқсоқолликка 2750 номзод тавсия этилди. Бу ҳол энг муносибларни, билимли, ташкилотчилик қобилияти юқори, эл-юртда обрў-эътибори баланд кишиларни етакчилиққа танлаб олиш имконини берди. Янги вақолат муддатига сайланган ҳар уч раисдан иккиси олий маълумотли, ҳар учинчидан кўпроги 50 ёшгача бўлган кишилар эканлиги, аиникса, аҳамиятлидир. Бу борада Янгийўл, Зангиота, Қибрай, Қўйчиқчиқ, Оққўрғон, Ўрта-чиқчиқ ва Оҳангарон туманларида аиникса, изчил иш олиб борилди.

Фуқаролар йиғинларининг раислари орасида аёл етакчилар сезиларли кўпайди. Чирчиқ, Олмалик, Ангрен шаҳарларида, Қибрай туманида сайловчилар бу жиҳатдан, аиникса, фаоллик кўрсатишди. Кўпчилик фуқаролар йиғинларида ўтган салоҳларда ёш, ташаббускор, гайратли, аини пайтда ўз ташкилотчилик салоҳиятини намойён этиб улгурган номзодлар устунликка эришишди.

Йил яқунланмоқда. У ҳар биримизнинг ҳаётиимизда муайян из қолдираётгани шубҳасиз. Муҳими, ёшларимиз улғайди. Ўзимизнинг озод мамлакат фуқароси эканлигимизни, унинг келажаги учун масъулигимизни яна ҳам чуқур ҳис эта бошладик. Шу ҳиссиёт келгуси ҳаётиимизни нурли, файзли қилишда ҳар биримизга сабот-матонат, куч-қувват, ақл-идрок бераверсин.

Хайр, файзли 2003 йил!
Жўрабек МУРОДОВ.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА ЙИЛ ЯҚУНЛАРИ

Жойларда халқ депутатлари вилоятлар Кенгашиларининг сессиялари бўлиб ўтмоқда. Уларда вилоятларни ривожлантиришнинг жорий йилдаги яқунлари таҳлил этилиб, келгуси режалар белгилан олмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида ҳам маҳаллий бюджетнинг 2003 йилдаги ижроси атрофлича таҳлил этилди.

Ўтган ўн бир ой мобайнида вилоятда ишлаб чиқариш, истеъмол товарлари тайёрлаш, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш

ҳажми анча ўсди. Шунга қарамай, бозор талабларига мослаша олмаётган қорхоналар ҳамон мавжуд. Хусусан, 204 қорхонанинг 16 тасида ишлаб чиқариш суръати пасайиб кетган. Боз устига, тайёрланган бир қатор маҳсулотларнинг сифати ҳам талабга жавоб бермайдиган. Натижада омбор-

ларда 11,1 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот тўпланиб қолган. Ангрен шаҳри, Зангиота, Бўстонлик, Чиноз туманидаги аксарият қорхоналарда тайёр маҳсулотлар қолдиги тобора ортиб бормоқда. Бу эса боқиманда қарзларнинг кўпайишига сабаб бўлиб, маҳаллий бюджет кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатаётди.

Вилоят бюджетни даромад режасининг мунтазам бажарилаётгани ижтимоий инфратузилмани жадал ривож-

лантириш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш имконини бермоқда, деб таъкидланди сессияда.

Сессияда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қорхона ва хўжаликларда ишлаб чиқаришни бир маромда ташкил этиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш баробарида бюджетга тўловларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш лозимлиги ўқтирилди. Вилоят бюджетининг 2004 йилги лойиҳаси кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Жуманӣёз ЖАББОРОВ.
Ўзбекистон халқ шоири

ТОНГ ТАРОНАСИ

Яйратиб дилни, мунаввар Янги йил келмоқдадир, Гул қучоқлаб офтоб ҳам зарқокил келмоқдадир.

Вақт аталмиш бепойн уммон — азалдир ҳам абад, Бир-бирин айлаб давом йил муттасил келмоқдадир.

Ҳар нафас, ҳар лаҳзаким, файзу барокатдан нишон, Йўлга пешвоз чиқингиз, йил асил келмоқдадир.

Уч юз олтимиш бешта кунни бир ажиб гулдаста денг, Яхшилик рангин чамандек хилма-хил келмоқдадир.

Янги йил бағрида пинҳондур баҳорий нашъалар, Ёз бўлиб, ҳам куз бўлиб минг бир ҳосил келмоқдадир.

Бол йиғиб хурмою тут, боғлаб қиём анжир, анор, Олма ларзон, ток асал, ноклар шигил келмоқдадир.

Меҳру шафқат, севгию ишқдан муқаддасдир ҳаёт, Кўзга кўз сузлаб сирин, дилларга дил келмоқдадир.

Кўчаю майдон, хиёбонларда шодлик тўққини, Бахт, ижод завқин суриб, юртим аҳил келмоқдадир.

Шонли юртлар даврасида Ўзбекистон барқарор, Кенг очиб иқбол томон кўксин, одил келмоқдадир.

Вилоят ҳокимлигида

ДАСТУРНИНГ КЎЛАМИ КЕНГ

Мамлакатимизда 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши Обод маҳалла йилининг мантқиқий давоми бўлди, дейиш мумкин. Чунки, 2003 йилда амалга оширилган эзгу ишларни давом эттириш, хусусан, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг сай-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш асосий мақсад бўлиб қолмоқда.

Вилоятда «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича вилоят комиссиясини тузиш тўғрисидаги вилоят ҳокимининг фармойишида 2004 йилдаги асосий вазифалар ва таъминотлар ўз ифодасини топди. Шунинг таъкидлаш керакки, тасдиқланган вилоят комиссияси ўз фаолиятини изчиллик билан бошлади.

Мазкур комиссия томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган дастурда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, мулк шаклидан қатъи назар барча қорхона, ташкилот, хўжаликларнинг маблағ ва имкониятларини кам таъминланган, кўп болали ҳамда ёш оилалар, ногиронлар, ёлғиз яшаётган кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтириш, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий муаммоларни ечиш, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, энг муҳими, меҳр ва мурувват тушунчаларининг асоси бўлмиш хамиятимиздаги ахиллик, фуқароларро тотувлик, турли миллат вакил-

лари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш сингари қатор устивор йўналиш ва вазифалар белгилан олмоқдаки, уларнинг замирида юксак инсонпарварлик ҳиссиётини ўқиб олиш мумкин.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, хотин-қизлар кўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, жойлардаги маънавият ва маърифат, миллий маданий марказлари ва бошқа ижтимоий жамғармаларнинг вилоят бўлимлигига ҳам юқоридаги эзгу мақсадлардан келиб чиқиб, аниқ ва қўламли тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Шундай қилиб, республикамизда яна бир хайрли ва савобли йил бошланмоқда. Аминимизки, бундай ишлардан ҳеч ким четда қолмайдиган. Зеро, меҳр ва мурувват, кадр-қиммат кўрсатиш бизнинг энг азалий ибратли анъаналаримиздан биридир.

Ўз мухбириимиз.

Президент арчаси

Йилдаги бир кунни болажонлар, аиникса, орзиқиб кутади. Бу айём Қорбобо, Қорқиз ҳамда эртак қахрамонлари иштирокидаги Янги йил бағишидир.

Шодиёна кўнларида ширинтойлар учун арча атрофида ўйин-қўлгу уюштирилиб, совғалар тарқатилса, бу тантаналарга янада ёрқинлик бағишлайди. Аиникса «Президент арчаси» атрофида тўпланган кичкинтойлар қалбида у бир умр сақланиб қолади. Орзулар оламида гуллаб-яшнаб ўсаятган авлодга бағишланган вилоят «Президент арчаси» бу йил Чирчиқ шаҳридаги «Қимёгар» маданият саройига ўрнатилди.

ТАНТАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Шодликларнинг асосий беағи бўлган ям-яшил, хилма-хил чироқлар осилган, 5 метрлик улкан табиий арча атрофидаги байрамона тўқин дастурхонга вилоятнинг Бўстонлик, Қибрай туманлари ва Чирчиқ шаҳридан кам таъминланган оилалар фарзандлари тақдир этилди. Шу кунни болалар қувончи бе-ниҳоя бўлди. Улар арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз билан биргаликда жўр бўлишиб, қўшчилар ижро этишди. Саҳна орқали эртақлар олами қахрамонлари — ялмоғиз кампир, қароқчилик, тулки, айқ, қуёнвойлар билан учрашди. Аиникса, Қорбобо ва Қорқиз билан мулоқот болалик дунёси тасаввурларини янада бойитди. «Президент арчаси» давомида турли қизқаркли ўйинлар ва нибоблар намойиши ҳам бўлиб ўтди. «Қимёгар» маданият саройи драма ва рақс тўғрақлари катнашчиларининг кичишлари тантаналар файзига файз қўшди.

Янги йилни совғаларсиз тасаввур этиш қийин. Шу кунни тантана иштирокчилари бўлган болажонларнинг ҳар бирига мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов номидан байрам совғалари топширилди. Тантанали тарзда ўтган «Президент арчаси» ниҳоясида болалар қувонқ карнавалда қатнашишди ва арча атрофида Янги йилнинг асосий қахрамонлари — Қорбобо ва Қорқиз билан сурагга тушишди.

Тобора яқинлашиб келаётган 2004 йил — Меҳр ва мурувват йили олдида анъанавий тарзда ҳам таъминланган оилалар фарзандлари учун ўтказилаётган «Президент арчаси» тантаналари Олмалик шаҳридаги 250 нафар болага Қорбобо туҳфалари тарқатилди.

Ангрен шаҳрида ҳам Ангрен, Олмалик ва Оҳангарон шаҳарларидаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган 270 нафар бола учун «Президент арчаси» ўтказилди. Болажонларга бағишланган байрам тадбирини янада тўқин ўтказишга Ангрен шаҳар ҳокимлиги, «Калинқўғозсавдо» ва «Қўмир» хиссадорлик жамиятлари, 9-шахта ҳамда олтин қазиб олиш қони мутасаддилари муносиб ҳомий-



ли кўрсатишди. Қувонч ва саховатга тўла бу каби тадбирлар ёш авлод қалбида келгусида санолийлик, эл-юртга садоқат ва унинг юмушига камарбасталик сингари эзгу хислатлар илдириштириш хизмат қилиши шубҳасиз.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.
СУРАТЛАРДА: Чирчиқдаги «Президент арчаси» тадбиридан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Шу сонга

УЧИНЧИ ЧОРАКДАН ЗАМОНАВИЙ МАКТАБГА

Кеча Паркент туманининг Чанги қишлоғида янги мактаб биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу мактаб 560 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, уни бунёд этишда «Чанги» ширкат хўжалиги жонбозлик кўрсатди. Қурилиш ва монтаж ишларига қарийб 300 миллион сўм маблағ сарфланди. Вилоят ҳокимлиги мактабни салкам 30 миллион сўмлик ўқув ва бошқа жиҳозлар билан таъминлади. Чангилик ўқувчилар ўқув йилининг учинчи чорагини ушбу мактабда давом эттирадилар.

Шу кун Санганак қишлоғида янги врачлик пункти ҳам фойдаланишга топширилди.

Ўз мухбириимиз.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» - Меҳр ва мурувват йилида ҳам ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ Бизнинг обуна индексимиз — 205.

Дил изҳори

БАРАКА ЭШИК
ОЧМОҚДА

Янги йилнинг оstonасида турибмиз. Унга қадам қўйишдан олдин, албатта, ҳар бир киши яқинига етаётган йилни ўзича сарҳисоб қилади.

Бизнинг ҳўжалигимиз мана уч йилдирки, юксалиш сари қадам қўймоқда. Бундай ишлар замирида аввало, ҳўжалик раисининг таъаббускорлиги, ишбилармонлиги турса, кейинги погондан унинг мана шу қўбилиятини юзага чиқариб берувчи миришкор деҳқонларимиз ўрин олади. Бу йил ҳам ҳўжалик галла, пахтадан мўл ҳосил олиб, давлат режасини бажарди. Қишлоқларимиз аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш бора-бора бир қанча ижобий ишлар қилинди. Ўз фаолиятимизга келсам, бу йил ҳўкуматимиз томонидан «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирландим. Бундан шундай ҳў-

лосага келдимки, ишлаган ҳар бир инсон назардан ҳеч қачон четда қолмайди. Янги йилда ҳамма юртдошларимизга улкан муваффақиятлар тилайман. Деҳқонлар учун эшик қоқётган 2004 йил баракали келсин. Чунки, деҳқоннинг қорни тўқ, уст-боши бут бўлса, юртда тўқин-сочинлик бўлади.

Шарифа ҲАМИДОВА,
Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги пудратчиси, «Эл-юрт хурмати» ордени нишондори.

БИЗНИНГ
ТУҲҒАМИЗ

Биз оиламиз нақиллари спортимиз ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганлиги ва хонадонимиз аъзолари вилоятда кўза кўринган спортчилар эканлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Отам — Ҳабибулла Ортиқов Ўзбекистон футболининг 90 йиллиги муносабати билан фахрийлар ўртасида ўтказилган республика бахсларининг «Пахтакор» марказий стадионида ўтказилган финал учрашувида қатнашиб, вилоятимиз фахрийлари жамоаси дарвозасини муваффақият билан ҳимоя қилди. Вилоят чемпиони, Ўзбекистон биринчиликлари қатнашчиси ва 1-разрядли шохмотчи бўлган олам — Гулнора Ортиқова ҳам бунданга юқори натижаларга эришиш учун шохмот тахтаси узра бахсларни давом эттирмоқда. Оиламиздаги кенжа вакил — шохмот бўйича вилоят чемпиони, Хоразмда бўлиб ўтган «Умид нихоллари» мусобақаларининг республика босқичи қумуш медали совриндори, 1-разрядли шохмотчи ҳамда Ҳиндистонда бўлиб ўтган Осиё биринчилиги қатнашчиси ҳисобланган синглим Ҳуснора Ортиқова ҳам Ватанимиз шўхратини оширишга муносиб улуш қўйиш ниятида

келгуси бахсларга астойдил тайёрланмоқда. Ўзим «Умид нихоллари» мусобақаларининг вилоят босқичида голибликни қўлга киритгач, 2003 йилда ҳам худди 2002 йилдаги каби республика мусобақаларининг қумуш медалига сазовор бўлдим. Спорт усталигига номзод талабларини бажардим.

Бугунги кунда учаламиз ҳам вилоят терма жамоаси бош мураббийси Бахтиёр Холмирзаев раҳбарлигида шохмот бўйича хотин-қизлар ўртасида келгуси йилнинг февраль ойида ўтказилади-ган Ўзбекистон чемпионати бахсларига тайёргарликни кучайтирганимиз. Асосий мақсадимиз эса мамлакат чемпионатининг олий табақасида қатнашишга қаратилган.

Муъссар ОРТИҚОВА,
Қўрай туманидаги 6-мактабнинг 11-синф ўқувчиси, ёшлар ўртасида Испанияда ўтказилган шохмот бўйича жаҳон чемпионати қатнашчиси.

Мустақилликнинг дастлабки кўнларида республикамизда соғлом оилани шакллантириш, шу асосда соғлом авлодни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айниқса, кейинги йилларда оилада тиббий маданиятни ошириш борасида кенг қўлланли ишлар қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод ва уни тарбиялаш устивор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2003 йилдаги «Нихолланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш бўйича» қабул қилинган қарорлари жамиятда ана шу мақсадларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Оилада тиббий маданиятни ошириш деганда кўпчилик умуман бошқа муаммоларни тушунади. Яъни, биз

Қарор ва ижро

КЕЛАЖАК ОИЛАДАН
БОШЛАНАДИ

шу мавзуда суҳбатлар ташкил этиб, оилаларни тақлиф қилсак, баъзилари: «Биз болаимиз касал бўлса, қандай дорилар беришни биламиз» ёки «Ўзим ҳамшираман, бу соҳада малакам етарли», — дейдилар.

Жамиятнинг муҳим вазифаси ҳисобланган тиббий маданият, одамларнинг тасаввурида умуман бошқача намоён бўлмоқда. Давлатимиз шуни назарда тутиб, муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилган. Оиладаги тиббий маданият шундан иборатки, унда ҳар бир оила соғлом авлод дунёга келишида қандай ишларни амалга оширишни билиши керак. Яна бунда балогатга етган қизларга она томонидан нималарга эътибор қаратилиши, унда бўлаётган ўзгаришларни ўзига

айтиб, фойдали маслаҳатлар берилиши лозим. Ёки худди шу даврда йигитларга, уларда юз берадиган ҳолатларни ота томонидан етарли маълумот билан таъминланиши ҳамда турмуш қуриш ёшига етган фарзандларига муносиб, яъни, улардан соғлом болалар дунёга келишига ишонч ҳосил қилган ҳолда жуфт топиб тўй қилишлари назарда тутилган.

Шунингдек, туғиш ёшидаги ҳар бир аёл вақтида шифокор қўриғидан ўтиб туриши муҳим. Нихолланувчи йигит ва қизларни тиббий қўриқдан ўтказиш келаётган йилдан бошлаб тўлиқ амалда қўлланилади. Фақатгина бунда келин-куёвларга тиббий қўриқнинг моҳияти, уларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини ту-

шутириш лозим. Зеро, улар тиббий қўриққа фақат ижобий қарашин, чунки тортиниш ҳислари йўқолиши керак. Ўтаётган 2003 йилда, айниқса, бу жараёнга катта аҳамият берилди. Жойларда туғиш ёшидаги аёлларни тиббий қўриқдан ўтказиш, балогатга етган йигит ва қизлардаги ўзгаришларни таҳлил этиш борасидаги суҳбатлар республикамизда кенг оммалашди. Бундай жараён келаси йил янада ривожланиши аниқ.

Ўзода МИРЗАЕВА,
Тошкент туманидаги Юнусобод қишлоқ шифокорлик амбулаторияси мудираси, «Шўхрат» медали нишондори.

Замондош ҳақида сўз



Инсоннинг ёши ўтган сайин бир нарсани кўп ўйлайди. Ўзига турли саволлар бера бошлайди: «Умрим давомида қандай хайрли ишлар қилдим?», «Кимлар менинг ёрдамим билан яхши одамлар қаторидан жой олди?». Тўғри, бу ҳислат одамда фидойи ҳамда виждони пок инсонларгагина хос. Муаллимларнинг аксарияти эса, бундай саволларга ҳеч иккиланмай жавоб топадилар. Чунки, улар билим берган ўқувчилар орасида ҳақиқатимиз, давлатимиз хизматида астойдил бел боғлаган кўпгина инсонлар етишиб чиққан.

ЖАЛҚ
ЎҚИТУВЧИСИ

Гоҳ у, гоҳ бу шогирди қилган ишларни гапириб, фахрланувчи Қосим Ёқубов ҳам ана шундай мўътабар инсонлардан.

1972 йили СамДуни имтиёзли диплом билан тугатган Қосим ака мактабнинг юқори синф ўқувчиларига тарих ва жамиятшунослик фанларидан дарс бера бошлади. У ёшларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб, ўрни билан дарс машғулотларини туман қишлоқларининг тарихига боғлаб ташкил эта бошлади.

Менимча ҳар бир инсон ўзи туғилиб ўсган қишлоқ тарихини ўрганиши керак, — дейди устоз. — Чунки, барча катта ишлар кичик ишларни ўрганишдан бошланади. Шунинг учун мен ҳам ўқувчиларга Бекобод ва қишлоқларимизнинг тарихини ўргата бошладим. Афсуски, собиқ иттифок даврида бу дарслар кескин танқид остига олинди. Эмишкни, мен бой ва камбағал жамиятдан қолган тарих билан ёшларни онгини заҳарлаётган эканман. Ваҳоланки, ўқувчилар дарсликдан кўра, шунга кўпроқ қизиқар эдилар.

Бундай қарашликка учраган ёш муаллим бошқача йўл тугди. Тарихга ўта қизиқувчи ўқувчилар учун «Ёш тарихчи ўқашунослар» тўғрагини тузди. Мазкур тўғрақда қатнашувчилар энди тумандаги қариялар, ўша давр билимдонларидан қишлоқлар тарихига оид манбалар йиғар, қўлёзма китоблар тўплаб эдилар. Республика мустақилликка эришгандан сўнг унда эмин-эркин ишлаш муҳити вужудга келди ва у киши Бекобод туманидаги «Далварзин», Ўлукбек номли, Ойбек номли ширкат ҳўжаликлари тарихини ёзди.

Мен бу китобларни ёзганимда ўша давр тўғрақда тўпланган қўлёзмалар жуда асқотди. Улардаги ҳар бир факт мен учун муҳим муҳтож, агар у тириклар мурувватидан баҳраманд бўлмаса унутилади, — дейди у. — Бола кўнглини тушулмаган киши, минг бирилиб бўлиши қийин. Мен бугун ўзимга савол бераман: «Ўтган умрим давомида ҳеч бўлмаса да, ўз фаолиятимни олиб борган 11-мактабда яхши из қолдиролдимми?». Ўйлаб-ўйлаб мулоҳаза қилганимдан сўнг, «Ха» деган жавоб ич-ичидан отилиб чиқди. Мен билим берган ўқувчилар республикадаги турли жойларда юрт учун, Ватан учун хизмат қилмоқдалар. Мен бундан жуда мамнунам.

Қамолiddин АҚҚАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

манба бўлиб хизмат қилди. Ҳозир ўқувчиларга дарс ўтишда бемалол бу китоблардан фойдаланаман. Қишлоқларда бўлиб ўтган қизиқarli тарихий воқеаларни болаларга гапириб бераман. Шунда уларнинг орасидан: «Устоз, бу одам менинг бобом бўлганлар», — деган сўзларни ҳам эшитаману ич-ичидан хурсанд бўламан. Чунки, болалар ўзлигини таниб, бу сўзларни фахр билан айтади-да.

Қосим Ёқубов ўқувчилар билан биргаликда мактаб биносига ва ёшлар ижодиёт уйида «Ўлка тарихи», «Темурийлар тарихи» музейларини ташкил этди. Музейни айланар эканмиз, у ерда олдинги асрга оид, мустақиллик давридаги тарихга айланган экспонатлардан беш юзга яқини жой олган.

Энди шундай музейни туманда ташкил этишни режалаштиришпти.

Қосим Ёқубов бу йил ўқитувчи ва мураббийлар байрамида Президентимиз томонидан Ҳалқ ўқитувчиси фахрий унвони билан тақдирланди.

Тарих ҳам эътиборга муҳтож, агар у тириклар мурувватидан баҳраманд бўлмаса унутилади, — дейди у. — Бола кўнглини тушулмаган киши, минг бирилиб бўлиши қийин. Мен бугун ўзимга савол бераман: «Ўтган умрим давомида ҳеч бўлмаса да, ўз фаолиятимни олиб борган 11-мактабда яхши из қолдиролдимми?». Ўйлаб-ўйлаб мулоҳаза қилганимдан сўнг, «Ха» деган жавоб ич-ичидан отилиб чиқди. Мен билим берган ўқувчилар республикадаги турли жойларда юрт учун, Ватан учун хизмат қилмоқдалар. Мен бундан жуда мамнунам.

Мирзохид ҚОСИМОВ,
Янгийўл туман прокуратураси ҳўзўридаги СВОЖКК Департаменти бўлими бошлиғи.

ҚУВОНЧ ОНЛАРИ

Бўстонлиқ туманининг энг сўлим гўшаси Чорбоғ сув омбори қирғоғида жойлашган Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Горняк» дам олиш масканида болажонлар учун «Президент арчаси» ташкил этилди. Ушбу дам олиш маскани 125-мактаб-интернати ўз оталигига олиб, у ернинг барча тарбияланувчиларига совғалар улашди. Шунингдек, худди шундай тадбир туманининг Чимён қишлоғидаги 38-мактабда ҳам уюштирилди.

Бу ерда болаларга Чорбоғ сув омбори жамоаси номидан битта компьютер, синф жиҳозлари, бир неча нафар болаларга кийим-кечаклар топширилди. Тумандаги тадбиркор Х. Сафиев эса ўқувчилар спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун спорт кийимлари ва махсус совғалар топширди.

СУРАТЛАРДА: байрамдан лавҳалар.

Ёркебой БОТИРОВ олган суратлар.

БЎСТОНЛИҚДА
ОҚИНЛАР АЙТИШУВИ

Фуқароларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий қадриятларга эътиборни янада кучайтириш мақсадида Бўстонлиқда туман қозок миллий маданият маркази ва маданият ишлари бўлими ҳамкорлигида оқинлар танлови бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз ва қўшни Қозоғистон Республикаси туманларидан келган номдор оқинлар олти соат давомида голиблик учун кураш олиб боришди.

Натижада қўрайлик оқин Қўлмуҳан Дусеновга биринчи ўрин ва танловнинг бош мукофоти — рангли телевизор насиб этди. Жанубий қозоғистонлик Қарима оқинга ҳам шундай шараф насиб этди. Айтишувда

қатнашган Қалижон, Нурлан ва мирзачўлиқ Бурибой оқинлар ҳам гилам, аудиомагнитофон каби қимматбаҳо эсдалик совғаларига сазовор бўлишди. Бўстонлиқдаги қозок миллий мусикий жамоаларининг чиқишлари эса томошаларга алоҳида руҳ бағишлади.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев қатнашди.

Муҳаммад СУННАТОВ.

Қонун ҳамма учун баробар

Меҳр ва мурувват йили арафасида турмушимизда учраб турган қонунбузарликлар ҳақида ёзиш эришдек тўғрилади. Лекин, иллатнинг пайини қирқиб фурсат танламайди, дейдилар.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосини ташкил этади. Зеро, республикамизда тадбиркорларнинг муваффақиятли фаолият юритишлари тегишли меъёрий қонун ҳужжатлари доирасида тўлиқ қафолатланган. Минг афсуски, гўрч курмасиз бўлмагани каби айрим ҳолларда қонун талабларини четлаб ўтаётган сохта тадбиркорлар фаолиятига ҳам дуч келинмоқда.

Янгийўл туман прокуратураси ҳўзўридаги солиқ ва валютаси оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон ҳудудига товарлар олиб келиниши тартибга солиш тўғри-

сида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан ҳамкорликда қўллаб амалий ишлар қилинмоқда. Таъкидлаш ўринлики, ўтказилган тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бераётган. Натижада шу нарсга аён бўлмоқдаки, ҳамон баъзи бир тадбиркорлар ўз манфаатларини эл-юрт манфаатларидан устун билиб, ҳорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган турли маҳсулотлар, товар-моддий бойликларни қонунга хилоф равишда рес-

публикамизга олиб киришга уринмоқда.

Масалан, туманининг «Халқобод», Навоий номли ва Бо-

бур номли ширкат ҳўжаликларида олиб борилган тезкор тадбирлар давомида фуқаролар Хусниддин Бутаяв ва Абдуқасимов Шўхратовлар қўшни Қозоғистон Республикасида 5 миллион сўмликдан ортиқ ҳеч қандай ҳужжатсиз маҳсулотларни олиб келишгаётганлиги аниқланди. Қарангки, улар божхона назорат масканларини четлаб турли айланма йўллар орқали юришни маъқул қўришган. Шунингдек, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри Арабхона маҳалласида исти-

комат қилувчи З. Худойбердиев, Б. Қиличевлар ҳам ана шундай қимсалар ҳилидан экан. Улар ноқонуний йўллар билан мўмай даромад эгаси бўлиш мақсадида ҳеч жойда рўйхатдан ўтказилмаган, акция маркаси бўлмаган 36 миллион 250 минг сўмлик «Pine» тамаки маҳсулотларини олиб келишгаётганда ушландилар. Умуман, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 96 та турли қўринишдаги қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 69 миллион 567 минг сўмлик товар-моддий бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Юқоридаги каби мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Бу шунга аниқладики, мўмай даромад илҳинида амалга оширилган ҳар қандай қинғир ишнинг қийғи чиқади. Зеро, қонун ҳамма учун баробар.

Акционерлик-тижорат

РАХТА BANK

Тошкент вилояти бошқармаси

Ўз мижозларини ва вилоятнинг барча аҳолисини

Янги, 2004 йил

билан муборакбод этади.

Сармоянгизга омухта бўлган куч-ғайратингиз янги йилда энг дадил орзу-режаларингиз рўёбга чиқишига ёрдам берсин!

Янги — Меҳр ва мурувват йилида халқимизнинг самимияти, очик кўнглилиги ва меҳмоннавозлиги яна ҳам ёрқин намоён бўлишига тилакдошимиз!

Сизга омад ёр бўлсин!

ДАСТУРХОН БЕЗАГИ

Байрамларда, яхши кунларда ҳар бир ўзбек оиласи дастурхонини турли ширинликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кичик корхонамиз ҳам чирчиқликларга шундай ноз-неъматлар этказиб беришга баҳоли қудрат ёрдам-лашяпти.

Биз ишлаб чиқариш билан савдони бирга олиб бораямиз. Бундан олти йил илгари иш бошлаган жамоамиз миллий қандолатчилик маҳсулотларини сифатли ва нисбатан арзон қилиб тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқда. Шунинг учун ҳам новвот, парварда, пашмак каби ширинликларимиз харидорлар томонидан тез сотиб олинаяпти.

Кузатилаётган йилда биз каби яққа меҳнат билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун янги қўлайликлар ва имтиёзлар яратилди. Бундан фой-

даланиб, фаолиятимиз кўламини кенгайтириш, янги ишчи ўринлари барпо этиш, ширинликларнинг қўшимча бошқа турларини яратишни режалаштириб қўйдик. Уларни янги йилда амалга оширамиз. Ушанда маҳсулот ишлаб чиқариш хажми ўн миллион сўмликдан ҳам ошиб кетади.

Маҳаммаджон АХМАДЖОНОВ,
яққа тартибда меҳнат билан шуғулланувчи тадбиркор,
Чирчиқ шаҳри.

«КАМОЛОТ»
СОВҒАЛАРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқоричирчиқ туман кенгаши томонидан боқувчисини йўқотган, ногирон болалар ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандлари учун 185 минг сўмлик совғалар тайёрлаб, Қорқоб ва Қорқиз орқали уларга берибди.

Шунингдек, Янгиобод қўргонидида «Дилмурод» қахвахонасида ёшлар қарнавали ташкил этилди. Кирқта умумтаълим мактаби, ширкат хўжаликлари, корхона ва ташкилотлардаги етакчилар ҳамда фаол ёшлардан 60 нафари байрамона безатилган дастурхон атрофида бир пиёла чой баҳона дилдан

гурунглашди. Байрам янада файзли ва чиройли ўтишига Янгибозор маданият уйи ходимлари ўзларининг шўх куй-қўшиқлари билан хисса қўшишди. Унинг ниятида бир гуруҳ фаол ёшларга янги йил совғалари берилди.

Латифжон МАНСУРОВ.



Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда «Наврўз» фирмаси муассислигида ташкил этилган «Наврўз» радиоси 2002 йилнинг 23 декабридан техник, 2003 йилнинг 4 январидан эса жонли эфир дастурларини бошлаган эди. Утган қисқа муддат ичида «Янги кун радиоси» шiori остида иш бошлаган радиостанция кўп ўтмай ҳақиқий маънода Халқ радиосига айланиб улгурди.

Ҳозирги кунда FM тўқинларидаги энг машҳур бошловчилар айнан «Наврўз»да фаолият кўрсатишмоқда. Музаффарбек Мирзабеков ва Олимхўжа Азимов, Қизлархон Хўжаева ва Севинч, Ботирхон Имомхўжаев ва Сардор Раҳимхон — бу бошловчиларнинг номи аллақачон мухлислар қалбидан жой олиб улгурган. Ҳар кун 24 соат давомда турли хил интеллектуал ўйинлар, қизиқарли сўхбатлар ва ёқимли куй-қўшиқлар тингловчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

«Наврўз» халқ калбидан жой ола билганининг муҳим сабаби бор. Биринчидан, бу радиостанцияда иш юритаётган бошловчилар ҳар бир мухлис билан, қандай ва-

зият бўлишдан қатъи назар, ҳушмуомалалик билан сузлашадилар, яъни бақналик ва масҳарабозлик «Наврўз» бошловчилари учун ёт нарса ҳисобланади. Одатда хусусий радиостанциялар кўпроқ тижорат томонини ҳисобга олган ҳолда дастурларни реклама берувчилар учун мост тарзда тузишга ҳаракат қилишади. Бундай иш юриши «Наврўз» учун ҳам беғона эмас. Лекин бу асосий мезон деб қабул қилинмаган. Ҳар кун эрталаб мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган «Болалар дунёси» эшиттиришлари, ўрта ва кекса авлод томонидан интиқлик билан қўтиладиган «Музыка салтанати», халқимиз урф-одатлари ва турмуш тарзига мос

келадиган «Ҳикматли дунё» каби дастур ва эшиттиришлар тижорат жиҳатидан фойда келтирмасда, маънавий-маърифий томондан беқиёс эканлиги билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Айтмоқчимизки, минглаб мухлислар қалбидан жой олиш ва ҳақиқий маънода Халқ радиосига айланиш учун бир неча йиллар керак бўлади. Аммо ягона мақсад йўлида ҳамфикр бўлиб бирлаша олган «Наврўз»чилар бир йил давомида катта йўлни босиб ўтдилар. Ва энг муҳими, ҳали уларнинг очилмаган қирралари етарли эканлиги доимий ривожланиш орқали ишонтириб келмоқдалар.

Бошқа бирор-бир радиостанция 1 йиллик тўғилган кунини мамлакатимизнинг энг улкан ва нуфузли иш-шоотида нишонлаганини кузатмаган эдик. Наврўзчилар эса 2004 йилнинг 4 январи, яъни жонли эфир бошлаганликларининг айни бир йили ўтадиган кунда барча мухлисларини «Халқлар дўстлиги» саройига тақлиф этдилар. Маълумотларга қараганда, шу кун «Наврўз» радиоси ўз хурсандчилигини катта театр орқали энг яқин мухлислари иштирокида нишонлашни ният қилган. Гарчи дастур сценарийси барчадан сир тўтилаётган бўлсада, серкирра ижодкорлардан унутилмас лаҳзаларни қўшимиз мумкин. «Наврўз»нинг бир йиллик фаолиятини диққат билан кузатган мухлис бунга шубҳа қилмайди ҳам.

Парвозинг бунданда юксалаверсин, «НАВРЎЗ»!

«Жаҳон» АА.

Дил изҳори

ИШЛАРИМИЗ
ДАВОМЧИСИ
БЎЛСИН

Яқунланаётган «Обод маҳалла йили» ҳар йилгидек республикамиз ривожига катта хисса қўйди. Маҳаллалар ўзларига берилган қонун доирасидаги ваколатни бу йил, айниқса, чуқур англади.

Айни вақтда долзарб масала бўлган маҳаллалар аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида дадил қадамлар ташланди. Шунингдек, жойларда «Маҳалла» жағфармаси ҳамда турли ташкилотлар томонидан қариялар, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган болаларга моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Келаётган 2004 йили Ўртбошимиз «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилдилар. Бунинг сабаби ҳаммамизга аён. Мақсад — «Обод маҳалла йили»да олиб борилган ислохотларни, хайрли ва эзгу ишларни давом эттириш. Бу борада ҳар бир ватандошимизга, қолаверса, бутун вилоят аҳлига муваффақиятлар тилайман. Келаётган йил ҳар бир оилга бахт-саодат ато этсин, элдан тинчлик, юртдошларимиз дастурхонларидан файзу барака аримасин деб ният қиламан. Мамлакатимиздаги барча хотин-қизлар соғ-саломат бўлисин. Зеро, уларнинг саломатлиги юртда соғлом авлод дунёга келишининг муҳим омилларидир.

Ҳанифа ЗОКИРОВА,

Қуйичирчиқ туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси.

ЎҚИГАН
ҲАМИША ОГОҲ

Сўнги йил, янаям аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсам, унинг декабри ҳаётимда унутилмас из қолдирди. Бойси, юртимиз кутубхоначиларининг «Президент асарлари билимдонлари» республика кўрик-танловида ўз иктидоримни синовдан ўтказишга муяссар бўлдим.

Яқунловчи босқичда муваффақиятли иштирок этиб, республикамизнинг вилоят ва шаҳарларидан ташриф буюрган вакиллар орасида ғолиб деб топилдим. Бу менга чексиз қувонч бахш этди.

Давлатимиз раҳбарининг асарларини ўрганиш ҳамда уни кенг тарғиб этиш биз — маънавият-маърифат муассасалари ходимларининг олий бурчимиз. Шу мақсад йўлида тинмай изланиб, замондошларимиз дунёқарашини жамият тараққиёти, мамлакатимизнинг иқтисодий равнақи ҳақидаги билимлар билан бойитишга хисса қўшаётганлигим билан бахтиёрман. Мустақиллигимизни асраб-авайлаш, янада мустақамлаш учун миллий мафкура ғояларини тарғиб қилишда куч-ғайратимизни ишга солаверамиз.

Аввало, ўз номимдан, қолаверса хонадонимиз, касбдошларим номидан вилоятимиз ахлини ҳамда меҳмонларини кириб келаётган янги йил байрами — 2004 йил билан муборакбод этаман. Меҳр ва мурувват йилида ҳам ҳар биримизни саховатпешалик, инсонийликнинг эзгу хислатлари асло тарқ этмасин. Янги йил, янги кун барчамизга сикат-саломатлик, тинчлик-омонлик келтирсин.

Дилфуза НОРОБООЕВА,

Чирчиқ шаҳридаги «Оилавий мутаола» кутубхонаси мудариси, «Президент асарлари билимдонлари» кўрик-танлови ғолибаси.

РЕСПУБЛИКА
КЎЧМАС
МУЛК БИРЖАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ
ФИЛИАЛИ

**БАРЧА
ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
КИРИБ КЕЛАЁТГАН**

2004 йил

**БИЛАН ҚУТЛАЙДИ.
ЯНГИ ЙИЛДА
ҲАР БИР ХОНАДОНГА
ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК,
БАХТ-САОДАТ,
ҚУТ-БАРАКА ТИЛАЙМИЗ!**

ЭЪТИБОР ЭЗГУЛИККА
БОШЛАЙДИ

Ушбу йил мен учун ҳам омадли йил бўлди десам, адашмайман. Негаки, бу йил Бухорода бўлиб ўтган «Универсиада» республика мусобақаларида ғолибликни, сузиш бўйича Осиё чемпионати баҳсларида кумуш медални қўлга киритдим.

Турли масофаларга сузиш бўйича Ўзбекистоннинг беш карра чемпиони бўлдим. Ўзбекистон кубоги учун баҳсларда ғолибликка эришдим.

Энг қувончлиси, спортдаги муваффақиятларим туғайли вилоятимиз ҳокимининг «Тикю» автомобили мукофоти билан

тақдирландим. Юртимизда келгуси авлод жисмоний ва маънавий камолоти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар ютуқларимизнинг бош мезони деб биламан.

Саида ИСКАНДАРОВА,
Тошкент Давлат аграр университети магистранти.

ЗАНГИОТА
ШАРОБ САВДО
шўъба корхонаси

**ВИЛОЯТИМИЗНИНГ
барча аҳолисини,
жонажон Ўзбекистонимиз
равнақи йўлида
меҳнат қилаётган
замондошларимизни**

**Янги —
2004 йил**

**билан қизгин табриклайди.
Ҳаммангизга Янги йил
қувонч ва омад олиб келсин!**

Айёмингиз муборак!

Сообщение о существенных фактах
ОАО «Жомий»

Порядковый номер сообщения — 09
Вид общего собрания — внеочередное.
Форма проведения общего собрания — открытое.
Дата проведения общего собрания — 25 декабря 2003 г.

Место проведения общего собрания — Ташкентская область, Кибрайский район, п. Достлиқ, 9.
Кворум внеочередного общего собрания — 8 570 голосующих акций — 71,84%.

Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:

1. Об исполнении требований Указа Президента Республики Узбекистан от 24.01.2003 г. за №УП 3202. Голосовали: «ЗА» — единогласно.
2. Отчет Правления ОАО «Жомий» по итогам 9 месяцев 2003 года. Голосовали: «ЗА» — единогласно.
3. Принятие по итогам отчета решения о про-

длении или расторжении трудового договора с председателем правления. Голосовали: «ЗА» — единогласно.

4. Переизбрание председателя Наблюдательного совета. Голосовали: «ЗА» — единогласно.

Полные формулировки решений, принятых общим собранием:

1. Утвердить увеличение уставного фонда до суммы 49 692 090 сум, путем дополнительного выпуска 31 070 акций номинальной стоимостью 1 155,63 сум, и порядка размещения дополнительного выпуска акций.
2. Принять к сведению Отчет Правления ОАО «Жомий» по итогам 9 месяцев 2003 года.
3. Решения о продлении или расторжении трудового договора с председателем правления принять по итогам 2003 года.
4. Избрать членом Наблюдательного совета Ахматуллаева А.

Юнусобод ҳокимияти томонидан Ким Алексей Данилович номига 2002 йил 20 августда берилган 1018981 рақамли патент йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан «Оқилхон» хусусий корхонасига 2000 йил 20 ноябрда берилган 1293 сонли далолатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота туманидаги «Иззатилла» хусусий корхонасининг дулмаюқ муҳри ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



ТАҚВИМНИНГ ВАТАНИ ҚАЕР?

Мана, 2003 йил ҳам тугаб, уйимиз деворидаги, иш столи-миздаги ёки ёнимизда олиб юрадиган чўнтак тақвимимизнинг сўнгги кунлари ўз вази-сини адо этмоқда. Биз янги йилнинг дастлабки ойи, яъни — Январга қадам қўямиз. Шу билан бирга тақвимларимизни янгисига алмаштираемиз.

Ҳўш, мана шу тақвимнинг ватани, унинг дастлаб қўллаш сабаби ҳақида биламизми?

Унинг ватани — узоқ Нил соҳилла-ри, қадимги Миср экан. Бундан бир неча минг йиллар аввал мисрликлар зовурларни ўз вақтида тозалаш қўйиш, тўғонларни тузатиш учун Нил дарёси қачон тоша бошлашини олдиндан билишлари лозим эди. Агар Нил суви ўз вақтида тутиб қолинмаса, у ден-гизга бефойда оқиб кетиб, қургўчи-ликдан бутун ҳосил нобуд бўлиши шубҳасиз эди. Миср қоҳинлари шу нарсани сезишдики, ёзги қуёш тури-ши (21 ёки 22 июнь) вақтида, энг қисқа тундан кейин сахар пайтида осмонда ёруғ юлдуз — Сотис (Сири-ус) пайдо бўлар экан. Ана шу кун Нил тоша бошлайди. Улар Сотиснинг пайдо бўлишидан иккинчи марта пай-до бўлишигача 365 кун ўтишини ҳисоблашган.

Лекин, улар, кейинчалик гаройиб нарсани сезиб қолган, яъни — Сотис муддатидан кечикар эди. Тўрт йилдан сўнг, у бир кунга, саккиз йилдан кейин эса, яна бир кунга кечиккан... Ҳисоб-китоб бўйича йил тугаб бўлса ҳамки ёруғ юлдуздан дарак бўлмаган. Тақвим негадир «шо-шарди». Қоҳинлар санокда хато қил-ганликларини тушунишди ва бир йил 365 куну 6 соатга тенг эканлигини ҳисоблаб топилди. Ёвё фарқ унчалик катта эмасдек, аслида, тўрт йилда у роппа-роса бир кеча-кундузни таш-кил этарди.

Бирок мисрликлар ўз тақвимлари-ни қайта тузиб ўтиришмади. Анча кейин, яъни миллoddан аввалги 46-йилда Рим императори Юлий Цезар мисрликларнинг йил ҳисобига туза-тиш киритди. Унинг йилномаси Юлий тақвими деб номлана бошланди. Бун-да ойлардаги кунлар сони бир хил эмасди: бирида 30, иккинчисиди 31, февралда эса, ҳатто 28 кунни ташкил қиларди.

Ҳозир биз фойдаланаятган тақвим ана шу тарих пайдо бўлди. Аммо, у ҳам нуқсонлардан холи эмас экан. Гап шундаки, синхронлаб ҳисоблашлар натижасида бир йил 365 куну 6 соат эмас, балки 365 куну 5 соат 48 дақиқа 46 секунддан иборат эканлиги аниқ-ланди.

Ҳўш, 11 дақиқаю 14 секунд фарқ бўлса, нима қилибди, дерсиз. Лекин 400 йилда 3 кун йигилиб, тақвим ана «орқада» қолар экан.

Рим папаси Григорий XIII 1852 йилда «тарих ҳисоби»га янги тузатиш киритди. Европадаги барча мамла-катлар аста-секин шу йилномани қўллашга ўтишди. Бизнинг мамла-катимизда янги тақвим асосан 1918 йилдан жорий қилина бошланди. Эскича ҳисоб юритиш билан орадаги фарқ — 13 кунни ташлаб юборишга тўғри келди: 1918 йилнинг 31 янва-ридан кейин бирданига 14 февралга ўтildi.

Лекин, янги тақвим ҳам унчалик аниқ эмас: ҳар 3 минг 300 йилда унда бир кун тўпланиб қолар экан.

Қизиқ, дунё биз билган-билмаган сир-синоатларга бойлиги билан ки-шиларни ҳайратга солади, шундай эмас-ми?

Дарвоқе, бугун қайси кун эди?

Саид ҲАКИМОВ тайёрлади.

БУРЖЛАР ВА ШАМСИЙ ЙИЛА ОЙЛАРИ

Буржлар, ой нолари:	Ўзбек тилида:	Зодиак белгиси:
1. Ҳамал 21 март —	Қўй	♈
2. Савр 20 апрель —	Ситир	♉
3. Жавзо 21 май —	Эгизак қиз	♊
4. Саратон 22 июнь —	Қисқичбака	♋
5. Асад 23 июль —	Арслон	♌
6. Сунбула 24 август —	Бошқоқ	♍
7. Мезон 23 сентябрь —	Тарозу	♎
8. Ақраб 23 октябрь —	Чаёни	♏
9. Қвас 22 ноябрь —	Ёй	♐
10. Жадий 22 декабрь —	Тоғ эчкиси	♑
11. Даво 20 январь —	Қовға	♒
12. Ҳут 19 февраль —	Балиқ	♓

ЯНВАРЬ					
Д	5	12	19	26	
С	6	13	20	27	
Ч	7	14	21	28	
П	1	8	15	22	29
Ж	2	9	16	23	30
Ш	3	10	17	24	31
Я	4	11	18	25	

ФЕВРАЛЬ					
Д	2	9	16	23	
С	3	10	17	24	
Ч	4	11	18	25	
П	5	12	19	26	
Ж	6	13	20	27	
Ш	7	14	21	28	
Я	1	8	15	22	29

МАРТ					
Д	1	8	15	22	29
С	2	9	16	23	30
Ч	3	10	17	24	31
П	4	11	18	25	
Ж	5	12	19	26	
Ш	6	13	20	27	
Я	7	14	21	28	

АПРЕЛЬ					
Д	5	12	19	26	
С	6	13	20	27	
Ч	7	14	21	28	
П	1	8	15	22	29
Ж	2	9	16	23	30
Ш	3	10	17	24	
Я	4	11	18	25	

МАЙ					
Д	31	3	10	17	24
С	4	11	18	25	
Ч	5	12	19	26	
П	6	13	20	27	
Ж	7	14	21	28	
Ш	1	8	15	22	29
Я	2	9	16	23	30

ИЮНЬ					
Д	7	14	21	28	
С	1	8	15	22	29
Ч	2	9	16	23	30
П	3	10	17	24	
Ж	4	11	18	25	
Ш	5	12	19	26	
Я	6	13	20	27	

ИЮЛЬ					
Д	5	12	19	26	
С	6	13	20	27	
Ч	7	14	21	28	
П	1	8	15	22	29
Ж	2	9	16	23	30
Ш	3	10	17	24	31
Я	4	11	18	25	

АВГУСТ					
Д	30	2	9	16	23
С	31	3	10	17	24
Ч	4	11	18	25	
П	5	12	19	26	
Ж	6	13	20	27	
Ш	7	14	21	28	
Я	1	8	15	22	29

СЕНТЯБРЬ					
Д	6	13	20	27	
С	7	14	21	28	
Ч	1	8	15	22	29
П	2	9	16	23	30
Ж	3	10	17	24	
Ш	4	11	18	25	
Я	5	12	19	26	

ОКТАБРЬ					
Д	4	11	18	25	
С	5	12	19	26	
Ч	6	13	20	27	
П	7	14	21	28	
Ж	1	8	15	22	29
Ш	2	9	16	23	30
Я	3	10	17	24	31

НОВАБРЬ					
Д	1	8	15	22	29
С	2	9	16	23	30
Ч	3	10	17	24	
П	4	11	18	25	
Ж	5	12	19	26	
Ш	6	13	20	27	
Я	7	14	21	28	

ДЕКАБРЬ					
Д	6	13	20	27	
С	7	14	21	28	
Ч	1	8	15	22	29
П	2	9	16	23	30
Ж	3	10	17	24	31
Ш	4	11	18	25	
Я	5	12	19	26	



БАЙРАМ КУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги кунлар байрам (дам олиш куни) деб белгиланган:

1 январь — Янги йил,
8 март — Хотин-қизлар куни,
21 март — Наврўз байрами,
9 май — Хотира ва Қадрлаш куни,
1 сентябрь — Мустақиллик куни,

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни,
8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конститу-цияси куни,
— Рамазон ҳайитининг биринчи куни,
— Қурбон ҳайитининг биринчи куни.

АЙЁМНИ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛМОҚЧИСИЗ?

Янги йил кўпчилиқнинг энг сеvimли ва қувончли онларга бой байрамидир. Ушбу айёмда одатда қутилмаган қувончлар диллар-

ни ҳушнуд этади. Ўзингизни яқиндан билиш ва байрамни кўнгилдагидек кутиб олиш учун тақдим этилган уч жавобдан бирини танланг:

1. Янги йилни қерда кутишни ёқтирасиз?

- а) уйда — 1 очко,
- б) тоғдаги сайёҳлик масканида — 2 очко,
- в) ресторанда, қаҳвахонада — 3 очко.

2. Янги йил оқшомида қандай дав-рада бўлишни хоҳлайсиз?

- а) оила аъзолари ва қариндошлар билан бирга — 2 очко,
- б) дўстлар билан бирга — 3 очко,
- в) яхши таниш бўлмаган катта даврада — 5 очко.

3. Қандай мусиқани ёқтирасиз?

- а) ресторанда қўйилгани — 1 очко,
- б) ўзингиз ёзиб олган куйни тинглай-сиз — 2 очко,
- в) ўзингиз қўшиқ қўйлайсиз, мусиқа асбоби чаласиз — 3 очко.

4. Таомларга таъбингиз қалай?

- а) байрам дастурхонида таомларнинг

барча турлари бўлиши лозим — 4 очко,

- б) ҳаммаси меъёрга бўлгани маъқул — 2 очко,
- в) даврада иштирок этаётганларнинг таъби эътиборга олиниши зарур — 1 очко.

5. Телевизор орқали Янги йил дас-турини томоша қиласизми?

- а) бошидан охиригача — 1 очко,
- б) энг қизиқ жойларини — 2 очко,
- в) умуман томоша қилмайман — 3 очко.

6. Янги йил табриклари йўллайсиз-ми?

- а) барча танишларга — 3 очко,
- б) фақат энг яқин кишиларга — 2 очко,
- в) ҳеч кимга юбормасиз — 1 очко.

7. Янги йил совғаси улашасизми?

- а) йўқ — 1 очко,
- б) аънамага қўра барча яқинларга — 3 очко,
- в) фақат оила аъзоларига — 2 очко.

Агар 10 очкогача балл тўпланса.

Сиз босиксиз, сершовкин давралар-ни ёқтирмайсиз. Сирдошлардан иборат давра кўпроқ ўзига тортади. Ҳисоб-китобни тўғри юритасиз, те-жамкорсиз, ортиқча сарф-харажатлар қилмайсиз.

11 дан 19 очкогача балл тўпланса.

Табиатингиз кўпчиликка маъқул бўлади. Яхши суҳбатдошсиз, тева-рак-атрофингиздаги кишилар билан алоқа ўрната оласиз, кўнглингизни шод этишни биласиз. Буларнинг барчаси меъёрида бўлади.

20 очкодан кўп балл тўпланса. Сиз-ни ҳар қандай давра қониқтиради, одамлар билан осонгина тил топи-ша оласиз, ақлисиз. Пулни ҳисоб-китоб билан эмас, уйламай сарфлаб юборасиз. Меҳрибон, софдил, ўзга-ларга қайишувчанлигингиз барчага ҳуш ёқади.

Хурушида тайёрлади.

ҲИЖРИЙ ҲИСОБ

Мамлакатимизда XIX асргача ҳижрий йил ҳисоби қўлланган. У милодий 622 йил 16 июлдан бошланади. Бир ҳижрий йил 12 ой, бир ой эса Ой фазаларининг таққорланиш, (масалан, янги Ой чиқиш) даврига тенг ва 29,53059... кундан иборат. Шунинг учун тоқ рақамли ойлар 30 кун, жұфт рақамли ойлар 29 кун ва бир ҳиж-рий йил 354 кунга тенг.

Алгоритм: Ҳижрий йилни милодийга ўтказиш учун уни 0,97 га кўпайтириб яхлитлаш ва 622 ни қўйиш керак.

Мисол: Абу Райхон Беруний ҳижрий 362 йилда ту-тилганлар. 362 x 0,97=351, 14'351; 351+622= 973. Де-мак, Беруний таваллуд милодий 973 йил.

Алгоритм: Милодий йилни ҳижрийга ўтказиш учун, ундан 621 ни айтириш, 1,03 га кўпайтириш ва яхлитлаш керак. Мисол, Алишер Навоий таваллуд тоглан 1441 йил учун 1441-621=820, 820 x 1,03=844,6.

Изоҳ: Алгоритмлар тақрибий — бир йилга фарқ қи-ладиган натижа бериши мумкин.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКОЕ ПРАВО

Муассис:
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълолар: 133-58-85,
136-53-54

Манзилими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тақрироти компьютер марказида
термид ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда да-лиллларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.